



## XALQ DEPUTATLARI FARG'ONA VILOYATI DANG'ARA TUMAN KENGASHI QARORI

2022 - yil 9 - avgust

VI-59-137-11-155-K/22

Dang'ara tuman hokimligi

### **Дангара туман прокурори раҳбарлигидаги 2-сектор ҳудудини комплекс ривожлантириш борасида 2022 йил П-чорагида амалга оширилган ишлар юзасидан ахбороти ҳамда Ш-чорак учун “Йўл ҳаритаси”ни тасдиқлаш тўғрисида**

Прокуратура томонидан жорий йилнинг 6 ойи давомида тумандаги қонунийликни таъминлаш, жиноятчиликка қарши қурашиб, фуқароларнинг хуқуqlари ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, хуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича бир қатор ишлар амалга оширилган.

Қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган текширишлар натижасига кўра, 176 тага яқин прокурор назорати ҳужжати қўлланилиб, 212 нафардан зиёд жисмоний, шу жумладан 10 та юридик шахсларнинг бузилган хуқуqlари тикланган.

Туман 2-сектор ҳудудини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, “Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари” ва “Аёллар дафтари”га киритилган фуқаролар билан ҳамда “Маҳаллабай” ишлаш, аҳолини бандлик, коммунал-маиший, соғлиқни сақлаш, таълим бериш ва бошқа ижтимоий соҳалардаги муаммоларини ҳал этиш, тадбиркорлик ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, хуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича ишларни ташкил этиш ва янада кучайтириш мақсадида туман прокурори, 2-сектор раҳбари А.Убайдуллаевнинг ахбороти эшлилиб, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6- ва 24-моддаларига мувофиқ ҳалқ депутатлари туман Кенгashi

### **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Дангара туман прокурори раҳбарлигидаги 2-сектор ҳудудини комплекс ривожлантириш борасида 2022 йилнинг П-чорагида амалга оширилган ишлар юзасидан туман прокурори 2-сектор раҳбари А.Убайдуллаевнинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Дангара туман прокурори раҳбарлигидаги 2-секторда ҳудудни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, “Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари” ва “Аёллар дафтари”га киритилган фуқаролар билан ҳамда “Маҳаллабай” ишлаш, аҳолини бандлик, коммунал-маиший, соғлиқни сақлаш, таълим бериш ва бошқа ижтимоий соҳалардаги муаммоларини ҳал этиш,

тадбиркорлик ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича ишларни ташкил этиш юзасидан 2022 йил III-чорак учун “Йўл ҳаритаси” иловага мувофиқ тасдиқлансин;

3. 2-сектор ишчи гурӯҳи аъзоларига сектор ҳудудида жиноятчиликка айниқса наркотрафик, терроризм, диний экстремизм, коррупция ва порахўрлик, товламачилик, фирибгарлик каби жиноятларга ва уюшган жиноятчиликнинг бошка кўринишларига қарши кураш борасида кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда тарғибот ва ташвиқот тадбирлар ўтказиб борсинлар.

4. Туман прокурори, 2-сектор раҳбари (А.Убайдуллаев)га: 2-сектор ҳудудида жойлашган маҳалла фуқаролар йиғинларида ёшлар, вояга етмаганлар ҳамда аёллар ўртасида ҳозирги кундаги долзарб масалалардан бири саналаётган жиноятчилик, ҳуқуқбузарликларни содир этилишини олдини олиш бўйича профилактик тадбирлар ҳамда йиғилишлар ўтказилиб, ушбу тадбирлар давомида ҳозирги кунда ушбу ҳудудларда нотинч, ноқобил, ичкиликка ружу кўйган, ДЭОга мойил, норози кайфиятдаги фуқаролар, маъмурий назоратда турувчи, жазони ижро этиш муассасасидан қайтган фуқаролар, ёшлар, шунингдек аёллар билан доимий равища профилактик сухбатлар олиб борилиши, уларни ижтимоий ҳаётга интеграция қилиш мақсадида маънавий ва спорт тўғаракларига жалб қилиш чораларини кўриш, бундан ташқари ўз жонига қасд ва суйқасд қилишга мойил бўлган шахслар билан алоҳида профилактик тадбирлар мунтазам ўтказиб бориш юзасидан тегишли масъул ташкилотлар билан ҳамкорликда тарғибот тадбирлари олиб борилишини доимий равища амалга оширсинлар.

5. Туман ҳокимининг ўринбосарлари, туман прокурори (А.Убайдуллаев) ва туман ички ишлар бўлими бошлиғи (А.Тожиев), туман бандликка кўмаклашиш маркази, “Данғара” газетаси бош муҳаррири (Ў.Акбарова) ва туман ҳудудидаги маҳалла фуқаролар йиғинлари раисларига:

- 2-сектор ҳудудида жиноятчиликга қарши курашиш, уларни олдини олиш ҳамда профилактик ишларни олиб борилишида кенг жамоатчилик билан ҳамкорликни янада кучайтириш;
- жиноятчиликни олдини олиш борасида тарғибот-ташвиқот ишларини, ҳаракатдаги қонунларни тушунтиришнинг мунтазамлигини таъминлаш, унинг самарадорлигини оширишга қаратилган чоралар бўйича тадбирларни оммавий ахборот воситаларида доимий тарзда ёритиб борилишини амалга оширсинлар.

6. Туман ҳокимининг ўринбосарлари, туман прокурори (А.Убайдуллаев) сектор ҳудудида истиқомат қилувчи аҳоли хонадонларида уйма-уй юрган ҳолда муаммо ва таклифларини ўрганиш, уларни қийнаб келаётган муаммолари юзасидан тегишли соҳа ходимлари томонидан ўз вақтида амалий ёрдам кўрсатиш, оиласвий шароити оғир, боқувчисини йўқотган ўзгалар парваришига муҳтоҷ, хонадонида ногиронлиги бўлган кекса ёшдаги бемор фуқароларнинг турмуш шароитларини яхшилаш ва соғлиқларини тиклаш мақсадида тиббий кўриклар ўтказиш ва соғломлаштириш марказларига юбориш мақсадида тиббий кўриклар ўтказиш ва соғломлаштириш марказларига юбориш мақсадида үрганиш ишларини олиб борсинлар.

7. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосарлари ҳамда туман Кенгашининг Су хуқуқ масалалари ва коррупцияяга қарши курашиш бўйича доимий комиссияси (Р.Якубжанов) зиммасига юклансин.

Кенгаш раиси



Ш.Тожихакимов

Xalq deputatlari Dang'ara tuman Kengashining  
2022 yil 9 avgustdag'i  
VI-59-137-11-155-K/22-son qaroriga  
1-ilova

**Фарғона вилояти Данғара тумани ҳудудларини 2022 йил июль-август-сентябрь ойлари учун комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш тарзини яхшилаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш, тадбиркорликни ривожлантириш, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш бўйича туман прокурори  
А.Ғ.Убайдуллаев раҳбарлигидаги Ишчи гуруҳлар фаолиятини ташкил этиш**

### **ҶЎЛ ҲАРИТАСИ**

| №  | Шахар ва туман номи          | Чора-тадбир номи  | Амалга ошириш механизми  | Молиялаш-тириш манбаи         | Ижро муддати           | Масъул ижрочи   |
|--|------------------------------|---|--|-------------------------------|------------------------|---|
| <b>“Ҷўл ҳаритаси”га киритилган МФЙлар – 12 та (Чинобод, Чодаклик, Олтиқуш, Қора кўрпа, Телиминг, Санам, Тўлабой, Катта Ганжиравон, Манғит, Сой Шилдир, Оқтепа, Шопўлат МФЙлар)</b> |                              |   |  |                               |                        |   |
| <b>2-сектор бўйича-туман прокурори сектори</b>   |                              |   |  |                               |                        |   |
| <b>БИРИНЧИ ЙЎНАЛИШ.</b> Йўл хўжалиги, энергия, транспорт қатнови, архитектура, ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш оҳасидаги муаммолар бўйича.                         |                              |   |  |                               |                        |   |
| <b>Электр энергиясини етказиб бериш</b>  |                              |   |  |                               |                        |   |
| 1  | Данғара туман сектор раҳбари | Сектор ҳудудидаги электр қурилмалари тармоғидаги ҳаво узатмалари таъмирлаш ва тармоқларни янги тортиш | 14,7 км. тармоқ ва 5 дона трансформаторларни таъмирлаш. Жумладан, Қора кўрпа МФЙда 5 км, Чодаклик МФЙ 3 км, тармоқ тортиш ва 2 дона ТП таъмирлаш. Тўлабой МФЙда 4,2 км. тармоқ, 3 та ТП таъмирлаш, Телеминг МФЙда 1,5 км. Чинобод МФЙ 1 км. тармоқ тортиш. | (бюджет маблағлари хисобидан) | 2022 йил июль-сентябрь | Данғара туман электр таъминоти корхонаси раҳбари (С.Рахмонов) |
| <b>Табиий газ ва суюлтирилган газ, майший газ балонлар билан таъминлаш</b>   |                              |   |  |                               |                        |   |

| №   | Шаҳар ва туман номи          | Чора-тадбир номи   | Амалга ошириш механизми   | Молиялаштириш манбаси         | Ижро муддати           | Масъул ижрочи   |
|---|------------------------------|--|---|-------------------------------|------------------------|---|
| 2   | Данғара туман сектор раҳбари | Туман прокурорига бириктирилган худуддаги ахоли хонадонларини суюлтирилган газ билан таъминлаш.  | Сектор худудига қарашли МФЙларда суюлтирилган газга мослаштирилган ҳар бир ахоли хонадонига туман ҳокими томонидан тасдиқланган режа график асосида эҳтиёжига қараб, суюлтирилган газ етказиб берилишини таъминлаш;   |                               | 2022 йил июль-сентябрь | “Худудгаз Фарғона” МЧЖ Данғара филиали (Б.Хамрақулов) |
| <b>Ичимлик суви билан таъминлаш бўйича</b>                    |                              |  |   |                               |                        |   |
| 3   | Данғара туман сектор раҳбари | Ахолига сифатли хизмат кўрсатиш ва ичимлик суви етказиб бериш ва тоза ичимлик суви билан таъминлаш ва таъмирлаш.                       | Чинобод МФЙ Кўштут кўчасига 1200 метр тармоқ тортиш ва бир дона сув минораси ўрнатиш.<br>Сой-шилдир МФЙ Зафаробод кўчасига 500 метр сув тармоқ тортиш.<br>Телиминг МФЙда бир дона сув насосини таъмирлаш.   | (бюджет маблағлари хисобидан) | 2022 йил июль-сентябрь | “Сувоқава” ДУК Данғара филиали (М.Нурматов)           |
| <b>Худудларда санитария-эпидемиология ҳолати (чиқиндилар)</b> |                              |  |   |                               |                        |   |
| 4   | Данғара туман сектор раҳбари | Сектор худудида жойлашган умумий овқатланиш шохобчалари ва озиқ-овқат сотиш савдо дўконларида санитария-гигена қоидаларини тушунтириш. | Совид-19 гумон қилинган фуқаролардан наъмуна олиш мусбат натижа олинган фуқвароларни уй карантинига олиш, дизенфексия ишларини ўтказиш<br>Мактаб ва МТТ ларда карантин қоидалага риоя қилинишини кунлик назоратга олиш.<br>Мактаб ўқитувчиларини гирипп қарши эмлаш.<br>Туман худудидаги тегишли ташкилотларда хафталик дизенфексия ва тарғибот ишлари ўтказиш. | (бюджет маблағлари хисобидан) | 2022 йил июль-сентябрь | СЭО ва ЖСХ туман бўлими (Х.Шерматов)                  |
| <b>Йўл соҳаси бўйича (ички йўлларни таъмирлаш)</b>            |                              |  |   |                               |                        |   |

| №   | Шаҳар ва туман номи          | Чора-тадбир номи   | Амалга ошириш механизми  | Молиялаштириш манбаси                  | Ижро муддати           | Масъул ижрочи  |
|---|------------------------------|--|--|--|------------------------|--|
| 5   | Данғара туман сектор раҳбари | Маҳалла-ларнинг йўллари асфальтланмаган ҳолатда, бу эса аҳолининг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда. | Сектор худудида жойлашган 12 дона пиёдалар ўтиш жойини белгилаш 0,5 км, йўл ёқасини мустахкамлаш 488 м <sup>2</sup> чуқур чаноқларни таъмирлаш 25 дона эскирган йўл белгиларини таъмирлаш.<br>5 дона туташмаларни ободонлаштириш 8 км. йўлнинг қатнов қисмини белгилаш | (бюджет маблағлари хисобидан)          | 2022 йил июль-сентябрь | Данғара автомобиль йўллари худудий корхонаси (З.Назиров), Туман Молия бўлими (И.Усмонов) |
| <b>ИККИНЧИ ЙЎНАЛИШ. Ижтимоий муҳофазанинг манзиллилиги, ижтимоий соҳа объектлари, таълим, ўрта-маҳсус, соглиқни сақлаш ва бошқа муассасаларнинг самарали фаолият қўрсатишини таъминлаш муаммолари бўйича.</b> |                              |  |  |  |                        |  |
| <b>Халқ таълими</b>   |                              |  |  |  |                        |  |
| <b>Умумий ўрта таълим мактабларида</b>  |                              |  |  |  |                        |  |
| 6   | Данғара туман сектор раҳбари | Сектор ҳудуди-даги умумтаълим мактабларини ўрганиш   | Секторга қарашли 4-сонли мактаб стадионини девор билан ўраш, 26-мактабнинг иссиқлик тизимини таъмирлаш.  | (бюджет маблағлари хисобидан)          | 2022 йил июль-сентябрь | Туман Халқ таълими бўлими (А.Содиков)  |
| <b>Мактабгача таълим муассасалари</b>   |                              |  |  |  |                        |  |
| 7   | Данғара туман сектор раҳбари | Сектор ҳудудидаги мактабгача таълим муассасаларини қисман таъмирлаш                                | Санам МФЙда жойлашган 31-МТТ хожатхонаси, ошхонаси ва бинонинг пол қисмини қисман янгилаш.<br>Сой-шилдир МФЙда жойлашган 44-ММТ биносининг эшик, дераза қисмларини, ва хожатхона ҳамда ошхонасини таъмирлаш.   | (Хомий ва бюджет маблағлари хисобидан) | 2022 йил июль-сентябрь | Сектор раҳбари, Туман хокимлиги, МТБ (Г.Рахмонова),                                      |
| <b>Соглиқни сақлаш</b>  |                              |  |  |  |                        |  |

| № | Шаҳар ва туман номи          | Чора-тадбир номи  | Амалга ошириш механизми  | Молиялаштириш манбаси         | Ижро муддати           | Масъул ижрочи                                |
|---|------------------------------|---|--|-------------------------------|------------------------|--|
| 8 | Данғара туман сектор раҳбари | МФЙлар ҳудуди-даги ногирон ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оиласалар холидан ҳабар олиш. | Сектор ҳудудидаги 12 та маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи тиббий хизматга муҳтож оиласаларга ёрдам кўрсатиш: Жумладан, 105 нафар кекса ва ногирон ёлғизлар ҳамда 12 нафар ўзгалар парваришига муҳтож шахсларни тиббий кўриқдан ўтказилишини таъминлаш. | (бюджет маблағлари ҳисобидан) | 2022 йил июль-сентябрь | Туман Тиббиёт бирлашмаси бошлиги (А.Жуманов) |

**УЧИНЧИ ЙЎНАЛИШ.** Ҳудудларни жадал иқтисодий ривожлантириш, шу жумладан, уларнинг табиий, иқтисодий ва инсон салоҳиятидан самарали фойдаланиш, маҳаллий бюджетларнинг даромадларини ошириш, солиқ қарздорлигини қисқартириш (мол мулк ва ер солиги), қурилиши тугалланмаган обьектлардан, фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш ва ер майдонларидан оқилона фойдаланиш, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисми ва ҳудуднинг экспорт имкониятларини кенгайтириш, жойларда замонавий бозор инфратузилмасини ташкил этиш, хизмат кўрсатиш, туризм соҳаларини ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларига амалий ёрдам кўрсатиш ҳамда янги иш ўринларини яратиш бўйича муаммолар.

| Маҳаллий бюджетларнинг даромадларини ошириш, солиқ қарздорлигини қисқартириш (мол мулк ва ер солиги) |                              |   |  |   |                        |   |
|--|------------------------------|---|--|---|------------------------|---|
| 9  | Данғара туман сектор раҳбари | Жисмоний ва юридик шахслар-нинг мол-мулк ва ер солигидан бўл-ган қарздорлиги юқори. | Туман прокурори сектори ҳудудидаги 12 та МФЙда яшовчи фуқароларнинг мол-мулк ва ер солигидан бўлган қарздорлигини ишчи гурухлар тузган ҳолда хатловдан ўтказиш ва уларни ундириш чораларини кўриш; Мажбурий ижро бюроси билан ҳамкорликда суд қарорлари асосида тўланиши лозим бўлган мол-мулк соликларини ундириш чорасини кўриш. | - | 2022 йил июль-сентябрь | Давлат солиқ инспекцияси А.Шамсиддинов МИБ туман бўлими Ш.Фаёзов ва МФЙ раислар |

**Иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақаларнинг тўлиқлигини ва ўз вақтида тўланишини таъминлаш**

| №  | Шахар ва туман номи | Чора-тадбир номи  | Амалга ошириш механизми   | Молиялаштириш манбаси  | Ижро муддати              | Масъул ижрочи  |
|----|---------------------|---|---|--|---------------------------|--|
| 10 | Данғара туман       | 5 526 нафар шахсларга<br>4,6 млрд сўм пенсия пулларини тижорат банклари томонидан<br>нақд пул билан ўз сектор раҳбари | Сектор худудидаги 2022 йил 3-чораги учун туман бўйича пенсия ва нафақа пуллари 6,1 млрд сўмни ташкил этиб, ушбу маблағлар, 5458 та пенсия ва нафақа олувчиларга, шундан, ёшга доир пенсионерлар 3432 тани, ногиронлар 825 тани, боқувчисини йўқотганлар 295 тани, ижтимоий нафақа олувчиilar эса 896 тани ташкил этади.<br><br>Бундан ташқари, секторда кам таъминланган оиласарга мезон талабларидан келиб чиқиб, Республика бюджетидан кам таъминланган оиласарга 18 ёшгача болалар нафақаси ва моддий ёрдам тариқасида ижтимоий нафақаларни ажратилишини таъминлаш.<br><br>Туманда истиқомат қилувчи пенсионер ва нафақа олувчиларнинг нафақалари ҳеч қандай чекловларсиз тўлиқ нақд пулда берилишини таъминлаш. | (бюджет маблағлари хисобидан)<br><br>(бюджет маблағлари хисобидан) | 2022 йил<br>июль-сентябрь | БТПЖ Данғара туман бўлими раҳбари<br><br>Данғара туман молия бўлими, 2-сектор раҳбари<br><br>АТ Халқ банки Данғара филиали, 2-сектор раҳбари |

**Аҳолини иш билан таъминлаш ва иш ўринларини яратиш**

| №  | Шаҳар ва туман номи          | Чора-тадбир номи  | Амалга ошириш механизми   | Молиялаштириш манбай          | Ижро муддати   | Масъул ижрочи   |
|----|------------------------------|---|---|-------------------------------|--|---|
| 11 | Данғара туман сектор раҳбари | Сектор худудида истиқомат қилувчи жами 20580 нафар меҳнатга қобилиятли шахсларнинг 4506 нафари бугунги кунда домий иш жойига эга эмас, 250 нафар шахслар ишсиз сифатида рўйхатга олинган ишсиз фуқароларни ишга жойлаштириш | Иш ўринлари яратиш дастурларини ҳақиқий аҳволдан келиб чиқиб тузилишини таъминлаш;<br>Туман прокурори томонидан худудда янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш юзасидан тузилган дастурда белгиланган микдорда янги иш ўрни яратилишини ташкиллаштириш;<br>Ҳар чорақда сектор худудида бўш иш ўринлари “Меҳнат ярмаркаси” ўtkазилиши таъминлаш ва мавжуд бўш иш ўринларига ишсиз фуқароларни ишга жойлаштириш масаласини ҳал этиш;<br>Бандликка қўмаклашиш марказлари томонидан сектор худудидаги маҳалла фуқаролар йигинларида 110 нафар ишсиз фуқароларни 27 нафарини, жамоат ишларига, 47 нафар касбга йўналтириш бўйича курсларга жалб этиб, уларга касб ўргатишни ташкиллаштирилишини таъминлаш, 36 нафарини турли хил ишларга жойлаштириш. | (бюджет маблағлари хисобидан) | Доимий<br>2022 йил<br>июль-сентябрь<br>Доимий<br>2022 йил<br>июль-сентябрь | Бандликка қўмаклашиш маркази,<br>Бандликка қўмаклашиш маркази<br>раҳбари Н.Йўлдашев |

**ТЎРТИНЧИ ЙЎНАЛИШ.** Дехқон хўжаликлари, томорқа учун ажратилган ерлардан мақсадли фойдаланиш, мева- сабзавотчилик, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик ва бошқа фаолият турларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишда фермер хўжаликларига қўмаклашиш бўйича муаммолар.

**Кишлоқ хўжалигига ердан фойдаланишни тартибга солиш**

| №  | Шаҳар ва туман номи          | Чора-тадбир номи                              | Амалга ошириш механизми   | Молиялаштириш манбаси | Ижро муддати | Масъул ижрочи                                   |
|----|------------------------------|---|---|-----------------------|--------------|---|
| 12 | Дангара туман сектор раҳбари | Қишлоқ хўжалиги ерларидан самарали фойдаланиш | Қишлоқ хўжалигага фойдаланиш учун яроқли ер майдонларини инвентаризациядан ўтказиш, қишлоқ хўжалиги ерларидан ноқонуний ва мақсадсиз фойдаланиш ҳолатларини олдини олиш борасида прокурор назоратини таъминлаш. |                       | Доимий       | Қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими, 2-сектор раҳбари |

**БЕШИНЧИ ЙЎНАЛИШ.** Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ўзаро ҳамкорликда ҳуқуқбузарликларни, айниқса вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида профилактика қилиш ҳамда уларни барвақт олдини олиш бўйича.

#### Хуқуқбузарликларни барвақт аниқлаш ва олдини олиш

|    |                              |  |   |  |                  |  |
|----|------------------------------|--|---|--|------------------|--|
| 13 | Дангара туман сектор раҳбари | Жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик-ларнинг олдини олиш бўйича сектор ҳудудида доимий равиша профилактик тадбирлари ташкиллаштириш. | Ҳудудда жиноятчилик аҳволини чуқур таҳлил қилган ҳолда ошиб бораётган жиноят турлари бўйича аҳоли ўртасида кенг профилактик тадбирларни ўтказиб, фуқароларни огоҳликка чақириш. Ҳафтанинг ҳар чорсанба кунлари “Ёнғин ҳавфсизлиги” ва ҳар пайшанба кунлари “Профилактика куни” тадбирларини узлуксиз ташкиллаштириб бориш орқали ҳудудларда ҳуқуқбузарликларни барвақт аниқлаш ва олдини олишга эришиш. |  | Доимий<br>Доимий | 2-сектор раҳбари<br>Туман ИИБ “Маҳалла” жамоат фонди, “Ёшлар иттифоқи” туман бўлими, |
|----|------------------------------|--|---|--|------------------|--|

**Таълим муассасаларида ўқувчиларнинг давоматини мустаҳкамлаш, доимий равиша рейдлар ўтказиш бўйича**

| №  | Шаҳар ва туман номи          | Чора-тадбир номи   | Амалга ошириш механизми   | Молиялаштириш манбай | Ижро муддати   | Масъул ижрочи  |
|----|------------------------------|--|---|----------------------|--|--|
| 14 | Дангара туман сектор раҳбари | Сектор худудидаги мавжуд 6 та Умумий ўрга таълим мактаблари ўқувчиларини дарсларга тўлиқ қатнашишларини таъминлаш мақсадида мунтазам равиша “Давомат” тадбирларини ташкиллаштириш. | Сектор ишчи гурӯхлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари, профилактика инспекторлари ҳамда худудий ҳалқ таълими бўлими ходимлари, касб-хунар коллежри ўқитувчиларини жалб қилган ҳолда худуддаги ўқув муассасаларида мунтазам равиша ўқувчиларни дарс жараёнларига қатнашиши, дарсда белгиланган вақтда ва формада бўлиши каби тадбирларни ташкиллаштириш. Жумладан<br>- Ўқувчилар ва вояга етмаганлар ўртасида назоратсиз ва қаровсизликни олдини олиш мақсадида “Давомат” ўtkазиш;<br>- фарзанди таълим-тарбиясига бефарқ бўлган, унинг ўқишига қизиқмаган ёки тўсқинлик қилганлиги учун ота-оналар ёки улар ўрнини босувчи шахсларга нисбатан тегишли хужжатлар расмийлаштириш ва вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссия йиғилишлари мухокамасига киритиб бориш, бу борада сайёр комиссия йиғилишларини ташкил қилиш; |                      | 2022 йил<br>июль-сентябрь<br><br>2022 йил<br>июль-сентябрь | 2-сектор раҳбари<br>Ишчи гурӯх,<br>худуддаги<br>умумтаълим<br>мактаб<br>директорлари,<br>Вояга етмаган<br>ишлари бўйича<br>комиссиялар<br>аъзолар, |

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал ҳамда Халқ қабулхоналарга энг аввало, такроран келиб тушган жисмоний ва юридик шасларнинг мурожаатларини кўриб чиқиши ва сайёр қабулларни ўтказиш бўйича

Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонага тушган мурожаатлар бўйича

| №                             | Шаҳар ва туман номи          | Чора-тадбир номи   | Амалга ошириш механизми   | Молиялаштириш манбаси | Ижро муддати          | Масъул ижрочи  |
|-------------------------------|------------------------------|--|---|-----------------------|-----------------------|--|
| 15                            | Данғара туман сектор раҳбари | Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини белгиланган муддатларда кўриб чиқиш. | Сектор худудидаги фуқаролар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал ҳамда Халқ қабулхоналарга энг аввало, такроран келиб тушган жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш;<br>Тушаётган мурожаатларнинг мунтазам таҳлил қилган ҳолда ҳал қилинишини таъминлаш чораларини кўриш натижаси бўйича ҳар ҳафтанинг ой якуни бўйича туман Халқ қабулхонасига ахборот киритиб боришни таъминлаш. |                       | Доимий                | Сектор раҳбари   |
| <b>Сайёр қабуллар ўтказиш</b> |                              |  |   |                       |                       |  |
| 16                            | Данғара туман сектор раҳбари | Сайёр қабулларни ўтказиб бориш.  | Туман 2-сектор раҳбари томонидан ҳар хафта бир маротаба худудга бириктирилган МФЙларда график асосида жисмоний шахслар билан уларнинг ижтимоий масалалари ҳамда юридик шахсларнинг вакиллари билан тегишли фаолият соҳалари кесимида сайёр қабуллар ўтказиши.<br>Туман 2-сектор раҳбари томонидан ўтказилган сайёр қабулда тушган мурожаатларни соҳалар кесимида ҳал этиш.  |                       | Хар хафтада<br>Доимий | Сектор раҳбари ва штаб аъзолари, туман ташкилот раҳбарлари |
| 17                            | Данғара туман сектор раҳбари | Секторда амалга оширилган ишлар ҳақида.  | Секторда амалга оширилган ишлар ҳақида вилоят прокуратурасига маълумотлар тақдим қилиб бориш.   |                       | Хар ойда              | Сектор раҳбари   |